

№44-45
(1479)
2023 YIL
15-NOYABRO'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

t.me/ozbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЎЗБЕКИСТОН СОГЛИҚНИ САҚЛАШ
СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли тиббиёт ходимлари!

Аввало, ўз ҳаётини эл-юрт саломатлигини асрашдек олижаноб ишга бағишлаб келаётган сиз, азизларни қутлуғ касб байрамингиз – Тиббиёт ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман.

Биз Янги Ўзбекистонда инсон кадри ва манфаатларини таъминлашни ўз олдимизга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу йўлда халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши табиийдир.

Айни шу мақсадда кейинги йилларда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Соҳанинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Тизимга илғор даволаш ва диагностика усуллари, инновацион технологиялар кенг татбиқ этилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз туфайли бирламчи ва малакали тиббий хизматлар аҳолининг кенг қатламларига кириб бормоқда. Бунинг тасдиғини шу йилнинг ўзида жойларда 22 та оилавий поликлиника, 93 та оилавий шифокорлик пункти ва 394 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилиб, бирламчи тиббий хизматлар 2 миллион 100 минг нафардан зиёд аҳолига яқинлаштирилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, 8 миллион 600 минг нафар аҳоли профилактик тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 685 минг нафари амбулатор, 72 минг нафари эса стационар шароитда соғломлаштирилгани, скрининг текширувлари орқали 167 минг нафар юртдошимизда юрак-қон томир, 52 минг нафарида қандли диабет касаллиги аниқланиб, уларнинг саломатлигини тиклаш чоралари кўрилганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, туғма юрак нуқсонли бўлган 2 минг на-

фар боланинг давлат ҳисобидан операция қилингани ёш авлодга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатишнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди.

Соҳага давлат тиббий сўғуртаси ва рақамлаштириш механизмлари билан бирга хусусий тиббиёт муассасалари фаолияти ҳам кенг жорий этилмоқда. Шифохоналарни замонавий транспорт ва тиббий жиҳозлар билан таъминлаш даражаси кескин яхшиланмоқда.

Айнан ана шундай ўзгаришлар, жонқуяр шифокорлар, юқори малакали тиббиёт мутахассислари, ҳамшираларнинг машаққатли меҳнати туфайли юқори технологик жарроҳлик операциялари нафақат пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида, балки туманларда ҳам муваффақиятли ўтказилмоқда ва минглаб беморлар ўз дардига шифо топмоқда.

Соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, иш ҳақини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Сўнгги 7 йилда ушбу тизимда самарали хизмат қилиб келаётган юртдошларимиздан 727 нафари Ватанимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Бугунги байрам муносабати билан уларнинг сафига яна қўлаб тиббиёт ходимлари қўшилганини алоҳида қайд этмоқчиман. Фурсатдан фойдаланиб, ушбу фидойи юртдошларимизни юксак мукофотлар билан табриклаб, барчасига ўзимнинг чуқур ҳурмати ва эзгу тилаklarимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Биз “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида тиббиёт соҳасида ҳам улкан ўзгаришларни амалга оширишни режа қилганмиз. Жумладан, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш,

бунинг учун тиббиётга йўналтириладиган маблағлар ҳажмини 2 баробар ошириш, онкология, юрак-қон томир, диабет ва нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш, Ўзбекистонни сил хасталигидан холи мамлакатга айлантириш устувор вазифамиз бўлади.

Шунингдек, 350 минг нафар диабет ва 1 миллион 500 минг нафар юрак-қон томир касаллиги билан оғриган беморларни даволаш, тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида хал этиш, беморларни гемодиализ ўринлари билан тўлик қамраб олиш бўйича ҳам амалий ишларни бошлаймиз.

Аҳоли ўртасида мустаҳкам саломатлик гарови бўлган соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Кадрли тиббиёт ходимлари!

Барчамиз биргаликда ҳаракат қилиб, тиббиёт соҳасини чинакам халқчил тизимга айлантириш бўйича олдимизда турган улкан вазифаларни албатта муваффақиятли адо этамиз.

Ўз қасамёдига, касби ва бурчига садоқат билан меҳнат қилаётган, Абу Али ибн Синодек буюк аждодларимиз анъаналарининг давомчилари бўлган сиз, азизлар бундан буён ҳам шу эзгу йўлда бор билим ва тажрибангизни сафарбар этасиз, деб ишонаман.

Сизларни Тиббиёт ходимлари куни билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, ғоят шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда сиҳат-саломатлик, ютуқ ва омадлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

Шавкат Мирзиёев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган дастурлар ижросини муваффақиятли таъминлаш, замонавий даволаш усуллари амалиётга кенг татбиқ этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қўшган муносиб хиссаси, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

Азизов Сабит Курбанович – Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг 1-гемодиализ бўлими мудир

Давоми 2 - бетда»

ҚАЛЪЛАРДА ҲАМОН
БАЙРАМ ШУКУҲИ

Эътирофлиси шундаки, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан қўп сонли соҳа ходимла-

рининг касб байрамлари ўзга шукуҳ билан нишонланади.

Давоми 5 - бетда»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН СОҶА ХОДИМЛАРИДАН БИР
ГУРУҶИНИ МУКОФОТЛАШ ТУҶРИСИДА

← Давоми. Боши 1-бетда

Нуралиева Гулноза Сағдуллаевна – Республика махсус 1-Зангиота шифохонаси бош педиатри

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Махмудова Санобар Юсуповна – Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлими акушер–гинеколог, Самарқанд вилояти

Шек Александр Борисович – Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий–амалий тиббиёт марказининг юрак ишемик касалликлари лабораторияси мудири

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Маманазаров Курбан Мамаражабович – Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали травматология, ортопедия, халқ таоботи жарроҳлиги, нейро-жарроҳлик, анестезиология ва тез тиббий ёрдам кафедраси ассистенти, Сурхондарё вилояти

Эминов Баходир Жўраевич – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали болалар реанимацияси бўлими анестезиолог–реаниматолог, Фарғона вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Жаббаров Ашир Норқобилович – Қамаш тумани тиббиёт бирлашмасининг «Чим» филиали шифохонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

Қосимова Динорахон Сиддиқовна – Чортоқ тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудири, Наманган вилояти

Мўйдинова Дилбархон Усарбоевна – Булокбоши туманидаги «Майарик» оилавий шифокорлик пункти ҳамшираси, Андижон вилояти

Хужаев Нуриддин Хуррамович –

Жомбой тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудири, Самарқанд вилояти

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Алиев Шерзод Махмуджанович – Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий–амалий тиббиёт марказининг катталар кардиохирургияси бўлими мудири

Ахмадалиева Хуршида Мухамадалиевна – Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасининг терапия бўлими мудири, Сирдарё вилояти

Бобокелдиева Хамида Эргашевна – Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг бокс–бруцеллез бўлими мудири

Ерназаров Оралбай – Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч қабул бўлими терапевти, Қорақалпоғистон Республикаси

Каримов Муродулло Юлдашевич – Тошкент тиббиёт академиясининг травматология, ортопедия ва ҳарбий дала жарроҳлиги кафедраси мудири

Молайханов Рустам Худайбергенович – Тошкент шаҳридаги 4-клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими шифокори

Нуриллаева Марифат Тағаевна – Навоий вилояти эндокринология диспансери эндокринологи

Рўзиева Азиза Комунаровна – Олот тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси кардиологи, Бухоро вилояти

Саломова Раъно Хайруллаевна – Бўка туманидаги 10-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Тошкент вилояти

Тажиева Наргиза Ўринбоевна – Қўшқўпир тумани кўп тармоқли поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Хоразм вилояти

Тожибоев Акмалхон Абдурахманович – Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Наманган филиали жарроҳлик бўлими мудири, Наманган вилояти

Тожиёв Шомурод Мусурмонович – Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими мудири, Қашқадарё вилояти

Тўхтаев Тождин Парпиевич – Олтинқўл тумани тиббиёт бирлашмаси бош фельдшери, Андижон вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Бердиев Аҳмад Ниёзмахмадович – Сарийоғ туманидаги «Гулистон» оилавий шифокорлик пунктининг «Қарш» тоғли ҳудуди патронаж фельдшери, Сурхондарё вилояти

Жуманазарова Асилхон Довулбаевна – Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмасининг «Нанай» ҳудудий бўлими болалар шифокори, Наманган вилояти

Малькова Елена Михайловна – «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Соғлиқни сақлаш хизмати марказий поликлиникаси тиббий пункти терапевти

Оразалиев Базарбай Хаитбаевич – Беруний тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими жарроҳи, Қорақалпоғистон Республикаси

Раимжанов Абдулазиз Абдухафизович – Фарғона шаҳридаги «ASAF Medical» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Фарғона вилояти

Ташпанбетова Қалжан Қалдибаевна – КониMex туманидаги «Саржал» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Навоий вилояти

«Соғлом турмуш» медали билан

Акбутаева Дилфуза Абдуманнаповна – Республика болалар кам инвазив ва эндозивуал хирургия илмий–амалий маркази катта ҳамшираси

Каримов Хусан Раимбердиевич – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Сирдарё вилояти филиали ҳайдовчиси

Мустанов Абдусамат Норсаатович – Ўзбекистон Республикаси Санитария–эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи

Насриева Мухаббат Джўраевна – Бухоро туманидаги 3-оилавий поликлиникаси катта ҳамшираси, Бухоро вилояти

Раҳматуллаева Махбуба Латифовна – Янгийўл туманидаги 72-оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Тошкент вилояти

«Шухрат» медали билан

Атажанова Замира Нуруллаевна – Эллиқалъа тумани тиббиёт бирлашмасининг анестезиология ва реанимация бўлими катта ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

Куранбаев Рустам Алимович – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Хоразм вилояти филиали Урганч тумани бўлими фельдшери

Махаммадининова Шоира Абдувалиевна – Юнусобод туманидаги «Otolaringolog» хусусий клиникаси отоларинголог, Тошкент шаҳри

Мўминова Адолат Холматовна – Зомин туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси, Жиззах вилояти

Равшанов Собир Кенжаевич – Республика тез тиббий ёрдам марказининг Самарқанд вилояти филиали Нарпай тумани бўлими ҳайдовчиси

Тожибоева Саломатхон Давранбоевна – Избоскан туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйи ҳамшираси, Андижон вилояти

Эрматов Абдумалик Абдурахимович – Фурқат тумани тиббиёт бирлашмасининг травматология пункти травматолог, Фарғона вилояти

Якубов Раҳим Камилевич – Тошкент давлат стоматология институтининг болалар юз–жағ жарроҳлиги кафедраси профессори

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МирзиёевТошкент шаҳри,
2023 йил 10 ноябрь

“103” ХИЗМАТИ

СИЗНИНГ МУРОЖААТИНГИЗНИ ВАЗИР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов жорий йилнинг 11 ноябрь кuni тунда Республика тез тиббий ёрдам маркази Тошкент шаҳар станциясида бўлди.

Дастлаб вазир Call-марказ иш-фаолияти билан танишар экан, юртдошларимиздан “103” хизматига келиб тушган навбатдаги чақириқни қабул қилди. Мурожаат эгасининг шикоятларини тинглагач, энг яқин бўлган тез тиббий ёрдам бригадасини дарҳол ушбу манзилга юборди.

Маълумот ўрнида, жорий йилнинг ўтган 10 ой давомида “103” рақамига юртдошларимиздан жами 10 миллион 900 мингга яқин чақирув келиб тушди. Шундан 1 миллион 19 минг 841 нафар бемор шифохонага госпитализация қилинди.

@ssvuz



БАЙРАМ ТАБРИГИ

ЎЗ КАСБИНИНГ ҲАҚИҚИЙ БИЛИМДОНЛАРИ БЎЛГАН, ЎЗИДА ЧИН ИНСОНИЙЛИК НАМУНАЛАРИНИ МУЖАССАМ ЭТГАН АЗИЗ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов
мамлакатимиз тиббиёт ходимларига ўзининг самимий табригини йўллайди*



Азиз тиббиёт ходимлари!

Сизнинг машаққатли ва масъулиятли фидойи меҳнатларингизни қанчалар эътироф этсамда арзийди. Сиз ўз ҳаётингиз ва меҳнат фаолиятингиз давомида соғлиқни сақлаш тизимининг қайси масканида ва қандай лавозимида фаолият юритсангизда, ҳамма жойда, ҳар доим ишчан, масъулиятли, мустақил фикрловчи, тўғри сўз, ҳалол ва камтарин инсон сифатида куч ғайратингизни халқимиз саломатлиги йўлидаги эзгу ишларга бахшида этиб келмоқдасиз. Сизга ишониб топширилган вазифада виждонан меҳнат қилиб, касбингизга садоқат билан ёндашиб бемор қалбларга нажот бахш этиб, атрофдагилар учун бағрикенглик, ғамхўрлик кўрсатиб, ҳар қандай вазиятда ўзингизни вазмин тутиш, оқиллик билан иш кўра олиш каби фазилатларингиз ила халқимиз ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиб келмоқдасиз.

Сиздаги инсонийлик, самимийлик фазилатлари ҳамкасбларингиз ҳамда шогирдларингиз учун ибратлидир. Сизларни моҳир ташкилотчи, ўз касбининг ҳақиқий билимдони, талабчан ва меҳрибон устоз, ўзида эса чин инсонийлик намуналарини мужассам этган ўз иши, ватани ва оиласига нисбатан чексиз садоқат туйғуларини

сақлаган, юксак маданиятли ҳамда ҳар томонлама мукамал шахс сифатида таснифлайман.

Сизларни “Меҳнат инсонни улуғлайди” деган ибратли ҳикматнинг нечоғлик тўғри эканлигини ўз фаолиятингиз давомида исботлаб келаётган ғайрати, шижоати, ҳалол меҳнати билан жамоа ва соҳа ходимлари орасида чексиз ҳурмат ва эҳтиром қозонган олийжаноб инсонлар сифатида қадрлайман.

Мен сизларнинг тимсолингизда касбига бўлган меҳнатсеварлик, софдиллик каби чин инсоний хусусиятларни ўзида мужассам этган, ҳаммаша ўзига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажариб келаётган тиббиёт ходимларини кўриб турганимдан доимо хурсанд бўламан ва ўз эҳтиромимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни Тиббиёт ходимлари куни касб байрамингиз билан самимий кутлайман. Мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, халқимиз саломатлигини асрашдек масъулиятли ва шарафли ишларингизга ривожлар ёр бўлишини истаб қоламан.

Амрилло ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири.

ЭЪТИБОР

ТИББИЁТ ХОДИМИ БЎЛИШ – ИНСОНДАН ФИДОЙИЛИК ВА САБР-МАТОНАТ ТАЛАБ ЭТАДИ

Вазир Амрилло Иноятов соҳа фидойилари ва уларнинг яқинлари ҳолидан хабар олди

Дастлаб коронавирус пандемияси даврида кўринмас ёвга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Одилжон Неъматовнинг хонадонида бўлиб, унинг оила аъзолари ва фарзандлари билан суҳбатлашди.

Мархум шифокор пандемия даврида Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббий марказида ўпка сили жарроҳлиги бўлими мудир вазифасида меҳнат қилган. Вирус тарқалиши кучайган вақтда мазкур муассаса юртимизда беморларни қабул қилувчи асосий марказлардан бири эди. Айниқса, ўпка пневмониясига чалинган кўплаб хаста инсонлар айнан О. Неъматов раҳбарлик қилган бўлимда оғир дарддан фориг бўлган. Аммо тождор вирус фидойи шифокор ҳаётига чанг солди ва уни орамиздан олиб кетди. Мархум шифокор инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш

йўлида кўрсатган фидокорлиги ва матонати учун 2020 йил давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизнинг юксак унвони – “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Вазир унинг яқинлари билан учрашув чоғида соҳага қарийб 20 йил умрини бағишлаган фидойи шифокорнинг хотираси қалбларда мангу яшаши, ибратли ҳаёти эса фарзандлари ва бўлғуси тиббиёт ходимлари учун намуна бўлишини таъкидлади. Шунингдек, Амрилло Иноятов 90 ёшли фахрий шифокор Ҳамида Акилова хонадонида ҳам бўлиб, у билан мулоқотда бўлди. Унда таъкидланганидек, шифокорлик ўта масъулиятли, шу билан бирга, шарафли касб. Оқ халатли на-



жот фаришталарининг биргина ширин сўзи бемор дардига малҳам бўлади.

– Тиббиёт ходими бўлиши осон эмас. Бунинг учун инсондан, энг аввало, фидойилик ва сабр-матонат талаб этилади. Сиз каби тажрибали устозлар бу борада бўлғуси тиббиёт ходимларига ҳар томонлама ўрнақсиз. Байрам муносабати билан сизга эзгу тилакларимизни етказаятганимиздан мамнунмиз, – **деди вазир учрашувда.**

Ўз навбатида 90 ёшли шифокор бугунги йўқловдан жуда хурсанд бўлганини таъкидла-

ди. Вазир учрашувда Ҳ. Акиловага “Соғлиқни сақлаш аълоҳиси” кўкрак нишонини топширди. Шунингдек, Амрилло Иноятов 85 ёшли меҳнат фахрийси, тиббиёт фидойиси Саиджалоил Баҳромов хонадонида ҳам бўлиб, у билан суҳбатлашди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор С. Баҳромов бу йил роппа-роса саксон беш ёшни қарши олди. Олим узоқ йиллик фаолияти давомида юртимизда гематология соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди. Минглаб беморларнинг

хасталиклардан ҳалос бўлиши йўлида илмий изланишлар олиб борди, соҳада янгиликлар яратди. Қолаверса, фаолияти давомида юзлаб шогирдлар етиштирди. Улар орасида тиббиёт фанлари докторлари ва фан номзодлари талайгина.

Суҳбат асносида тиббиёт фидойиси юртимизда шифокорлик касби улуғланаётгани, беморлар учун зарур шароитлар яратилаётганини таъкидлаб, бугунги эътибордан бениҳоя мамнун бўлганини билдирди.

ДИЛ СЎЗЛАР

ҚАЛБЛАРДА ҲАМОН

Кун кеча ушбу санага бағишлаб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Аввало, шуни фахр билан айтишимиз жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг кўп сонли тиббиёт ходимларига ўзининг самимий табригини йўллаб, Тиббиёт ходимлари кун муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга ҳам имзо чекди.

← Давоми. Боши 1-бетда

Юртимизда байрам шукухи уфуриб турган бир пайтда Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Тиббиёт ходимлари кун" муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Байрам тадбирини Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкат Умурзаков, Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовлар кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида фаолият олиб бораётган соҳа фидойиларини касб байрамлари



билан самимий қутладилар. Тадбирда Президентимиз фармони билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган шифокорларга орден ва медаллар тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигида ҳам байрам тадбири ташкил этилди. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов тадбирни кириш сўзи билан очар экан, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг соҳа ходимларига йўллаган самимий табрик ва бунинг баробарида бир гуруҳ тиббиёт ходимларининг Юртбошимиз Фармонига мувофиқ юксак мукофот билан тақдирланганликларини эътироф этиб, Давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорлигини изҳор этди. Сўнгра, юртимизда халқимиз саломатлиги йўлида масъулият билан меҳнат қилаётган

кўп сонли тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан самимий қутлади. Мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида инсонлар соғлиги йўлида ўз касбига садоқат билан ёндашиб меҳнат қилаётган соҳанинг барча ходимлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан, "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони ҳамда вазирликнинг ташаккурномалари билан тақдирландилар. Мазкур рағбатларни вазир Амрилло Иноятов тантанали равишда топширди. Бу каби эътибор ва эҳтиромдан тиббиёт ходимлари ниҳоятда мамнун бўлишди. Келинг, сизларга меҳнатлари муносиб рағбатлантирилган тиббиёт ходимларимизнинг дил сўзларини тақдим этамиз.

Гулноза НУРАЛИЕВА,
Республика махсус I-Занги-

ота шифохонаси бош педиатри, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони соҳибаси:

– Албатта, бундай юксак мукофотга сазовор бўлиш менга катта шараф ва масъулият юклайди. Шу билан бирга, Давлатимиз раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган тиббиёт ислохотларидаги ўзгаришларга елкадош бўлиб меҳнат қилаётганим эса менга ҳам фахр, ҳам иф-



ўз устимда янада мукамал ишлашимга замин яратади.

Наргиза ТАЖИЕВА, Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани кўп тармоқли поликлиникаси патронаж ҳамшираси. II-даражали "Саломатлик" ордени соҳибаси:

– Мен кўп йиллардан бери шу олис ҳудудда ҳамшира бўлиб ишлайман. Аммо тиббиёт ходимларига кўрсатилаётган бундай рағбат ва мукофотлар бизгача етиб келмаса керак, деб ўйлардим. Демак, бу юртда ишлаган, меҳнат қилган инсон борки, унинг меҳнатлари доимо қадрланади ва албатта, Президентимизнинг асло эътиборидан четда қолмаслигига яна бир қарра амин бўлдим. Мукофот олганлигим тўғрисидаги қутловлар, телефон орқали табриклар, мени янада ғайрат билан, тинимсиз халқимиз саломатлиги йўлида ҳали кўп йиллар меҳнат қилишим кераклигини эслатади. Тан олиш керак, бугунги ҳамшира билан кечаги ҳамшира ўртасида катта фарқ бор. Бу, албатта, соҳага татбиқ қилинаётган туб ўзгаришлар, инновацион ёндашувлар ва касалликка ташхис қўйишдаги янги қарашлар билан янада боғлиқ. Эндиликда патронаж қатновининг сонига эмас, балки унинг сифатига урғу берилмоқда. Жумладан, биз «Муаммони аниқлаш ва йўналтириш» тамойилидан «муаммони келтириб чиқарадиган хавфни ўз вақтида аниқлаш ва йўқотиш ёки сезиларли даражада қайта йўналтириш» тамойили асосида бугун иш фаолиятимизни тўғри ташкил қилганмиз. Шунингдек, касалликни ва тиббий муаммоларни аниқлаш билан чегараланмасдан, балки тиббий, ижтимоий, маърифий ва бошқа соғлиқни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар мажмуаси билан ҳам бевоқиф бўлмаганмиз. Эътиборли жиҳати, одамлар бугунги тиббиётдан рози бўлиб, ўз саломатликларини назорат қилишга масъулиятли бўлиб

тихор бағишлайди. 2019 йил юртимизда катта синовли йил бўлди. COVID-19 пандемияси даврида биз нафақат халқимиз саломатлигини муҳофаза қилдик, балки тизимда катта бир тажриба, билим ва салоҳиятга эришдик. Ўша йили Республика махсус I-Зангиота шифохонаси короновирусга чалинган беморларни ҳаётга қайтариш бўйича йирик мажмуа сифатида тан олинди. Мен ҳам ушбу шифохонада ишлаб, ўша синовли ва машаққатли кунларни халқимиз билан биргаликда енгиб ўтдик. Бу меҳнатларимиз Давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилди, рағбатлантирилди. Шифохонада бош педиатр сифатида жажжи қалблар билан туну кун бирга ишлайман, биламиз куз-қиш мавсумида короновирус инфекцияси ва грипп эпидемияси билан касалланишнинг кўпайиши инфекциянинг аралаш шакли (микс-инфекция) га олиб келади, бу асосан болаларда оғирроқ асоратларни келтириб чиқаради. Шу боисдан, шифохонамизда барча имкониятлар яратиб қўйилган. Фарзандларимизга хизмат кўрсатиш учун эса имкониятларимиз етарли. Ўйлайманки, бу мукофот менинг жамоамга берилган юксак баҳо, юксак эътироф намунаси.

Баходир ЭМИНОВ,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази-

нинг Фарғона филиали болалар реанимацияси бўлими анестезиолог-реаниматологи. I-даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси:

– Бу кун барча мукофотланганлар қатори менинг фаолиятимда ҳам унутилмас воқеликка айланди. Чунки, ҳар йили Президентимиз томонидан соҳа фидойиларига байрам табригининг йўлланиши ва улар меҳнатининг муносиб рағбатлантирилиши яхши анъанага айланиб бормоқда. Чунки, бугун юртимизда инсон қадрли улуғланиб, тиббиёт тизимидаги улкан ўзгариш ва кенг қўламли ислохотларнинг иштирокчисига айланиб бормоқдамиз. Мен фаолият юритаётган болалар реанимацияси бўлими охириги йилларда халқаро талабларга жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуна ва технологиялар билан тўлик жиҳозланди. Болаларнинг операциядан кейинги саломатлигини назорат қилиш ва уларнинг тезда тузалиб кетишлари учун бундай имкониятларнинг ўрни ва аҳамияти катта, деб биламан. Биласизки, бир кунда филиалга қанчадан-қанча дилбандларимиз саломатлиги бўйича мурожаатлар келиб тушади. Уларга тезкор ёрдам кўрсатиш қамровимиз эса йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ишонаманки, бу орден менинг келгуси фаолиятимни сифат жиҳатидан яхшилаб, соҳага янгиликларни жорий этиш ва

ДИЛ СЎЗЛАР

БАЙРАМ ШУКУҶИ



юқори эди. Бугун-чи? Қаранг қиска вақт ичида янги модел асосида бирламчи бўғиндан тортиб, ихтисослаштирилган марказларгача бўлган жараён тубдан янгиланди. Пойтахтнинг энг малакали тиббиёт ходимлари бугун туманимизда, маҳалла ва қишлоқларимизда халқ хизматида бўлиб, малакали тиббиётни шу жойнинг ўзида кўрсатмоқдалар. Одамларимиз ҳам бундан рози. Мен кардиолог сифатида доим халқ

кўрсатилишига замин яратди. Айниқса тиббиёт ходимларини хорижий давлатларда малака ва тажриба ошириб қайтишлари асносида, юртдошларимизнинг узоғи яқин бўлди. Вилоятимизнинг олис ва чекка ҳудудларида ҳам бугунги кунда чет элларда қилинадиган юқори технологик операциялар, ўзимизнинг шифокорлар томонидан бема-лол ўтказиляпти, бу эса тиббиётнинг замон талабига мослашиб бораётганлигидан, дунёга юз тутаётганлигидан далолат беради. Айниқса бирламчи тизимда тиббиёт аҳолига тобора яқинлаштирилди, тиббий бригадалар маҳаллабай, хонадонбай усулида фаолият кўрсатиб, касалликларни барвақт аниқлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғибот қилиш орқали уларнинг саломатликларини тобора мустаҳкамлаб боришяпти. Аҳолининг барча қатлами тиббий кўриқлар билан камраб олинди, аниқланган муаммолар бартараф этиш чоралари

янада ошади. Халқнинг, элнинг олқишига сазовор бўлади. Шу кунларда ушбу ютуғимдан ўзимдан ҳам кўп хурсанд бўлиб, эътироф этаётган барча юртдошларимга ўзим ва оиламиз номидан чексиз миннатдорчилигимни изхор этаман.

Лола ЭРГАШЕВА, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси директори ўринбосари.

Ольга МОШКУНОВА, Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази қошидаги 1-сонли кутубхона филиали раҳбари:

– Байрам олди бизга вазирликдан кўнғироқ қилиб ва байрам тадбирига таклиф қилишди. Вазирликка кириб борар эканмиз, ажойиб мусиқа садоларининг янграши ҳамда тиббиёт ходимларининг кўтаринки кайфиятда ташриф буюришлари бизни ҳам мамнун этди. Муҳташам залга кирганимизда дилларга завқ берувчи гуллар ҳамда соҳа ходимларининг бир-бирларини байрам билан кутлаётганликлари эътиборимизни ўзига тортиди. Бундай нуфузли байрам тадбирида илк бор иштирок этшимиз эди. Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган кўп сонли соҳа ходимларини касб байрамлари билан самимий кутлади. Сўнгра тизимда кўп йиллар давомида фидойиларча меҳнат қилган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили” кўкрак нишонини тантана равишда топшира бошлади. Шу ажойиб лаҳзаларда бизнинг исми шарифимиз ҳам эълон қилинди. Бундай эътирофдан жуда мамнун бўлдим. Назаримизда кутубхонамиз ходимларимизнинг анча йиллардан буён меҳнатларга бўлган муносиб рағбат бўлмаган эди. Бу самимий табрик ва рағбат жамоамиз учун катта бахт бўлди десак, хато бўлмайди. Демак, фаолиятимиз маҳсули бўлган кўкрак нишонининг тақдим этилиши, бу албатта, камтарона меҳнатимизга бўлган катта эътибор деб биламиз. Шу ўринда Президентимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирига чексиз ташаккуримизни изхор этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, меҳнатлари муносиб рағбатга эга бўлган тиббиёт ходимларини юксак мукофотлари билан самимий кутлаймиз.

Ибодат СОАТОВА, журналист.

бормоқда. Бу эса, бизга катта ёрдам беради. Бу эътибор ва рағбатлардан гурурланган ҳолда камтарона меҳнатимни юксак кадрлаган Президентимизга алоҳида миннатдорчилик билдираман.

Базарбай ОРАЗАЛИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик бўлими жарроҳи. "Дўстлик" ордени соҳиби:

– Тиббиёт ходими борки, доим олдида турган масъулиятни юракдан ҳис этиб ишлаши керак. Муҳтарам Президентимиз биз қарақалпоқ халқига, унинг тиббиётига ўзгача меҳр ва алоҳида эътибор билан қарашларини ҳамшиша ич-ичимиздан ҳис этиб турамыз. Мен ҳам кўп йиллик жарроҳ сифатида республиканинг турли муассасаларида фаолият юритдим. Тажриба орттирдим. Мана бугунги кунга келиб, Янги Ўзбекистон даврида тиббиётнинг замон билан ҳамнафас бўлиб, жадал ривожланиб бораётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Халқимиз ҳам бу ислохотларнинг нафақат кузатувчиси, балки иштирокчисига айланмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг қайси қишлоқ ёки овулига борманг, у ерда тиббиётнинг сўнгги ютуқлари кириб борганлигига амин бўласиз. Одамларнинг ҳам муносабати ўзгарган. Давлатимиз ва Президентимизга ишончи ортиб бормоқда. Беруний тумани тиббиёт бирлашмасида бугун барча шароитлар яратилган. Хусусан, жарроҳлик бўлими хоналари, операция столлари ва ундаги ёритиш ускуналари, тиббий жиҳозлар, палаталар, хизмат кўрсатиш сифати бир неча баробарга яхшиланди. Ишлаган сари ишлагинг келади. "Дўстлик" ордени билан тақдирланганимни эшитиб, бу касбни танлаб, чинакам эъзоз ва эътирофга муносиб бўлганимдан янада фахрланиб кетдим. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимга юксак мукофотлар муборак бўлсин, дейман. Президентимизга эса тиббиёт бирлашма-миз, қолаверса қорақалпоқ халқи номидан чексиз миннатдорчилик билдириб қоламан.



тимизга эса тиббиёт бирлашма-миз, қолаверса қорақалпоқ халқи номидан чексиз миннатдорчилик билдириб қоламан.

Азиза РЎЗИЕВА, Бухоро вилояти Олот тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси кардиологи. II даражали "Саломатлик" ордени соҳибаси:

– Бу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати юксак. Шу жумладан, тиббиёт ходимларига берилаётган эътибор ва рағбатни эса бирор нарса билан ўлчаб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бугун ўзбек тиббиёти халқаро даражада тан олинмоқда. Қайси гўшага борманг, у ерда, албатта, янгиланишлар, ўзгариш ва катта ислохотларнинг гувоҳи бўламиз. Йилдан йилга юксалиб бораётган “Янги Ўзбекистон” тараққиётини дунё ҳамжамияти ҳам юксак минбарлардан туриб эътироф этмоқда. Мана шундай ютуқларни кўрганда, беихтиёр фахрланиб кетасан киши. Ишлаган сари ишлагинг, халқимизнинг дуосини олиб, шараф билан меҳнат қилгинг келади. Бизга берилган бу мукофотни, аввало халқ манфаати ва соҳамизга бўлган катта ишонч рамзидир, деб биламиз. Бундан беш йил аввал Олот тумани тиббиёти бугунги замонавий ҳолатда эмас эди. Аксарият одамларимиз пойтахтга келиб даво исташарди. Нафақат техникалар, балки малакали шифокорларга бўлган талаб ҳам



билан ҳамнафас ишлаб, уларнинг турмуш тарзи, кайфияти, маънавий муҳити билан қизиқаман. Чунки, саломатликнинг энг асосий белгиси бу руҳий саломатликдир. Оилангиз тинч, фарзандларингиз ёнингизда бўлса, хавотирингиз бўлмайди, энг асосийси юрагингиз тинч ва соғлом уради. Шу боисдан, мен билдирилган юксак учун Президентимга, қолаверса, бизни қўллаб-қувватлаб, дуо қилиб турган халқимизга миннатдорчилик билдираман.

Маъмурахон САФОЕВА, Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг Жамоатчилик билан ишлаш шўъбаси раҳбари:

– Давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар бугунги кунда юртимиз аҳолисига самарали ҳамда сифатли тиббий хизмат

кўрилди. Ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Ўзбекистонда тиббиёт ходимлари куни кенг нишонланади. Ушбу сана муносабати билан, менинг меҳнатларим юртимда кадр топиб, “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш аълочи” кўкрак нишони билан тақдирландим. Бу йил менинг иш фаолиятимга роппа-роса 30 йил тўлган эди, камтарона меҳнатларимни кадр топиши, мени янада шижоат билан ишлашга, халқимга бор куч ғайратим билан меҳнат қилишга ундайди. Ўз ўрнида Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Чунки инсон ҳалоллик билан виждон амри ила меҳнат қилар экан, унинг масъулияти

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ

Республикамизда август ойида кўхна ва ҳамшиа навқирон Самарқанд шаҳрида Туркий дунё тиббиёт Конгресси, Туркий давлатлар ташкилоти соғлиқни сақлаш вазирларининг йиғилиши ва Ўзбекистон –Туркия тиббиёт форуми ўтказилган эди. Муҳокамалар натижаси сифатида вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят перинатал маркази, Урганч шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва бошқа бир қатор тиббиёт муассасалари Туркиянинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлик меморандумлари ва шартномалари имзолаган эди.

Ушбу ҳамкорликни мустақамлаш мақсадида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиаллари директорлари учун Туркиянинг Анкара шаҳрида 3 кунлик семинар ташкил этилди. Семинарнинг асосий мақсади, оналик ва болалик соҳасида энг нозик қатлам бўлган, патологик ҳомиладорликда туғруқни олиб бориш ва муддатидан олдин туғилган чақалоқларга перинатал марказларда тиббий хизмати менеджменти йўналишида туркиялик шифокорлар тажрибаларини ўрганишдан иборат бўлди. Семинарнинг биринчи кунини «Ankara Bilkent City Hospital» номли кўп тармоқли шаҳар шифохонасида Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидаги «USHAS» академиянинг бош координатори профессор Э. Айдин ва шу шифохона таркибига кирувчи акушерлик ва гинекология шифохонаси бош шифокори профессор

чи аёллар ва чақалоқлар учун яратилган шароитлар билан таништирди. Тақдимот жараёнида перинатал марказларда тиббий хизматни самарали йўлга қўйиш бўйича менежментнинг асосий йўналишларига тўхталиб ўтилди. Республикамиз Она ва бола маркази филиаллари директорлари томонидан жуда кўп саволлар берилди ва барчаси кенг муҳокама қилинди. Семинарнинг назарий қисми якунланиб, амалий қисмига ўтилди. Бунда шифохонанинг барча бўлимларида яратилган шароитлар ва иш жараёнлари



ди. Бош шифокор ўринбосари марказ тўлиқ рақамлаштирилганини айтиб, ишлаш тамойилларини амалий намоёниш қилди. Марказга мурожаат қилган ҳомиладор ёки туғувчи аёл электрон базада тўлиқ маълумотлари (қайси муддатга поликлиникага ҳисобга киргани, нечта марта скрининг текширувдан ўтказилганлиги, олинган таҳлиллар ва инструментал текширувлар натижалари, ҳомиладорлик пайтида ўтказилган касалликлари ва стационар шароитда даволанганлиги ҳақида маълумот ва ҳ.к.) билан рўйхат-



дастури, хавфсиз ҳомиладорлик дастури, никоҳдан олдин маслаҳат дастури, ҳомиладорлик пайтида маълумот ўргатиш

бўлди. Семинар охириги кунини «Ankara şehir hastanesi kadın doğum» марказида бўлиб ўтди. Бу марказ шаҳардаги энг йирик перинатал маркази ҳисобланади. Семинар бошида перинатал марказ директори муассаса фаолияти, яратилган шарт-шароитлар, янгилликлар ва юқори технологик амалиётлар билан таништирди. Марказ фаолиятида эндожаррохлик, фетал тиббиёт, симуляцион марказлари алоҳида эътиборимизни тортди. Назарий қисмидан сўнг марказнинг билан якундан таништирилди. Бу ерда ҳомиладорлик пайтида соғлом турмуш тарзини олиб бориш, туғруққа тайёрлаш ва чақалоқларни парваришлаш учун бўлажак оналарга программа-

дастури, 15-49 ёшдаги аёллар учун мониторинг дастури, шошилиш акушерлик ёрдам дастури, шифохона оналар дўсти дастури, кесар кесиш дастури. Бу дастурларнинг асосий мақсади, репродуктив ёшдаги аёлларни ҳомиладорликка тайёрлаш, онкозорат ўтказиш, соғлом турмуш қуриш бўйича маълумот бериш, ҳомиладорликни тўғри олиб бориш ва кесар кесишни камайтиришга қаратилган. Барча дастурлар бажарилиши мониторингини соғлиқни сақлаш вакиллари томонидан электрон база орқали ўтказилади. Мониторинг таҳлили ва шунга асосан вазирлик томонидан тавсиялар ва қўлланмалар ишлаб чиқилади ва татбиқ қилинади. Семинарнинг иккинчи кунини биз шу қаби кўплаб маълумотларга эга

Ҳомиладор ёки туғувчи аёлнинг электрон базада тўлиқ маълумотлари (қайси муддатга поликлиникага ҳисобга киргани, нечта марта скрининг текширувдан ўтказилганлиги, олинган таҳлиллар ва инструментал текширувлар натижалари, ҳомиладорлик пайтида ўтказилган касалликлари ва стационар шароитда даволанганлиги ҳақида маълумот ва ҳ.к.) мавжуд.

лар яратилган ва оналар мактаби ташкил қилинган. Марказга малака ошириш учун келган мутахассислар учун яратилган шароитлар алоҳида эътирофга молик.

Лапароскопик ва туғруқ жараёнини симуляция қилувчи робот оналар амалий кўникмани ўзлаштиришда жуда катта ёрдамчи ҳисобланади. Кун якунида бош шифокор хонасида келажакда мамлакатимиз шифокорларининг малака оширишлари бўйича келишиб олинди. Муассасалар орасида яна бир қатор меморандумлар имзоланди. Шунингдек, тез кунларда Хоразм филиалининг бир нечта неонатологлари ва акушер-гинекологлари Туркиялик мутахассислар кўмагида малака ошириш режалаштирилди.

дан ўтказилиши ҳақидаги ахборотлар диққатимизни тортди. Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг оналик ва болалик соҳаси фаолият тизими билан қисқача таништириш мақсадида, семинарнинг кейинги кунини Оналик ва болалик соғлигини муҳофаза қилиш департаментида бўлиб ўтди. Семинарнинг Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар ва ўсмирлар соғлиғи бўйича департаменти бошлиғи, доктор Юксел Хакан Айдоғмуш бошлаб берди. У киши бизни баъзи статистик маълумотлар, болалар соғлиғини сақлаш мақсадида мамлакатда амалга татбиқ қилинган давлат дастури билан таништирди. Семинарнинг кейинги қисмида оналар соғлиғини сақлаш бўйича давлат дастурлари ҳақида тўхталиб ўтилди. Доктор Туба Эсра Саҳлар томонидан ҳар бир дастур бўйича батафсил маълумот берилди. Оналар соғлиғини сақлаш асосий 9 та дастур бўйича йўлга қўйилган. Жумладан, репродуктив саломатлик дастури, туғилиш



Озлем Моралоглу бошчилигида ўтди. Дастлаб Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидаги «USHAS» академиясининг асосий вазифалари ва тиббиёт соҳасида фаолият юритаётган барча ходимлар малака оширишига доир давлат дастури билан таништирилди. Акушерлик ва гинекология шифохонаси бош шифокори профессор Озлем Моралоглу марказ фаолияти, ундаги ҳомиладорлар, туғув-

билан жойида таништирилди. Биз танишган бўлимлардан бири – неонатологик блок марказнинг алоҳида қаватида жойлашган ва чақалоқлар жонлантириш бўлими жуда катта ўринли постлардан иборат экан. Кун якунида бош шифокор хонасида таасуротларимизни ўртоқлашдик. Мамлакатимиз шифокорлари билан туркиялик мутахассислар малака алмашиши бўйича режалар келишил-

Ушбу ҳамкорлик оналик ва болалик соҳасидаги асосий нозик қатламга тиббий хизмат кўрсатувчи мамлакатимиз “она ва бола” марказлари фаолияти янги пөганага кўтарилишига, соҳага халқаро стандартлар кенг жорий қилинишига хизмат қилади деган умиддамиз.

Саломат МАТЯКУБОВА,
Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Хоразм вилоят филиали директори тиббиёт фанлари доктори.

НОВОСТИ МЕДИЦИНЫ

АМЕРИКАНСКИЕ ХИРУРГИ ПРОВЕЛИ ПЕРВУЮ В МИРЕ ПОЛНУЮ ПЕРЕСАДКУ ГЛАЗА

В Нью-Йорке команда хирургов провела первую в мире пересадку целого глаза – медицинское сообщество считает это прорывом в медицине, хотя пока неизвестно, сможет ли мужчина полноценно видеть донорским глазом.

Уникальная операция включала удаление у донора части лица и всего левого глаза целиком, включая систему кровоснабжения и зрительный нерв, и трансплантацию органов электрику из Арканзаса, который в июне 2021 года пострадал от удара электрическим током напряжением 7200 вольт. 46-летний Аарон Джеймс получил обширные травмы, включая потерю левого глаза, левой руки выше локтя, носа и губ, передних зубов, части левой щеки и подбородка. Его направили в NYU LangoneHealth, ведущий медицинский центр по пересадке лица, где 27 мая была проведена операция.

Пересадка целого глаза все еще считается недостижимой целью медицинской науки, и, хотя исследователи добились определенных успехов в операциях на животных, и им удалось частично восстановить зрение, такие вмешательства никогда ранее не проводилось у живого человека.

"Это неизведанная территория, но мы жаждем ее исследовать", – рассказывает в интервью агентству AFP Эдуардо Родригес, руководивший операцией.

У Родригеса это была пятая пересадка лица, и трансплантологи смогли сократить время операции, проведя ее за 21 час. Подобные вмешательства проводятся с 2012 года, и они обычно продолжались 36 часов.

Родригес добавляет, что пересадка лица больше не является экспериментальной процедурой и должна рассматриваться как "стандарт лечения" в некоторых случаях серьезного обезображивания лица. По словам офтальмолога, специалистки по сетчатке глаза ВайдехиДеда, пересаженный левый глаз выглядит очень здоровым. У него хорошее кровоснабжение, поддерживается давление, хотя Джеймс пока не может видеть. "Но у нас есть надежда", – считает она.

«Это огромный успех», – хвалит своих коллег Киа Вашингтон, профессор хирургии Университета Колорадо Аншутц, которая более 15 лет специализируется в той же области медицины.

«Трансплантация человеческого глаза в NYU LangoneHealth представляет собой ключевой момент в нашем общем стремлении восстановить зрение и дает надежду бесчисленному количеству людей по всему миру», – говорит Дэниел Пелаз из Института глаза Баско-Майами при Университете Майами.

Джеймс, чей правый глаз остался нетронутым, считался идеальным кандидатом для трансплантации, поскольку необходимость пересадки лица началась, что ему в любом случае потребуются иммунодепрессивные препараты. Поэтому попытка пересадки глаза имела смысл, даже если бы она представляла собой только косметическую ценность.

"Я снова чувствую запахи, я снова могу есть, ощущать вкус пищи. Впервые за полтора года я смог поцеловать свою жену", – говорит счастливый пациент в интервью AFP. – "Я хочу прямо сейчас выйти к людям, и не надевать маску и прикрывать лицо".



Учитывая время, прошедшее с момента операции, профессор Вашингтон отмечает, что она не уверена, что у Джеймса восстановится зрение на пересаженном глазе, но она не исключает такой возможности.

Трансплантологи рассказали, что для восстановления нервов они использовали взрослые стволовые клетки, полученные из костного мозга. По словам Вашингтон, процесс восстановления зрения может включать в себя применение других передовых подходов, включая генную терапию, позволяющую задействовать врожденную способность зрительного нерва к заживлению, использование устройства, называемого обложкой нерва, для защиты ткани, или применение приспособо-

блений, которые улавливают сигналы и обходят поврежденный путь.

«Мы добились большого прогресса в методах лечения, способствующих регенерации зрительного нерва, которые могут сопровождать пересадку глаза», – говорит AFP Джеффри Голдберг, возглавляющий отделение хирургии глаза в институте ByersEye при Стэнфордском университете.

Эти дополнительные методы лечения позволят донорскому глазу подключиться к мозгу и восстановить значимую зрительную функцию у слепых пациентов во всем мире.

Медицинская газета, № 44, 2023 г.

ИБРАТ

КАСБИДАН БАХТ ТОПГАН ҲАМШИРА

Инобат Ўразова 32 йилдан буён самарқанд вилояти Нарнай тумани тиббиёт бирлашмасининг режали жарроҳлик бўлимида ҳамшира бўлиб фаолият юритмоқда.

Нега жарроҳлик бўлимида ишлайсиз?–деганимда, у 7-синфда ўқирдим, ўнг биқинимда кучли оғрик бўлгани учун отажоним мени шифохонага олиб борган эди. Операция қилган врач Эштурди Омонов синглим ақлли, иродали қиз экансан. Сендан аввалги иккита қиз жуда кўп

ийғлади. Сен эса... Оғрикни сезмаганим учун ҳам йиғламадим. Мени оғир дарддан халос этганингиз учун сизга минг раҳмат! Катта бўлсам мен ҳам сиздек хирург бўламан, деб айтганимда жарроҳ энг аввало билимли, жасур, мард ва кўркмас бўлиши керак. Илоҳим ниятингга етгин, синглим дея дуо

қилгани хотирамда муҳрланиб қолган ҳар гал операцияга кирганимда, Эштурди Омоновнинг айтган гаплари қулоғим остида жаранглаб тургандек бўлади. Опажон, йиллар ўтиб ўзим даволаниб ётган шифохонада ишлай бошладим. Менга тиббиётнинг сир-асрорини ўргатган шифокорлар Худойберди Жалилов (Оллоҳ раҳмат қилсин), Юнус Омонов, Тамара Астанова, ҳамширалар Сафия Адизова ва Марзия Элиевалардан бир умр миннатдорман. Келгусида халқимга беъминнат хизмат қилиш. Инобат Ўразова Самарқанд вилояти Каттакўрғон тиббиёт билим

юртини тугатиб, аввал туғруқхона бўлимида, айни кунда эса режали жарроҳлик бўлимида ишлаб келмоқда. У турмуш ўртоғи Зафар Эшниёзов билан бахтли ҳаёт кечириб икки ўғилни ватанига хизмат қиладиган инсонлар қилиб тарбиялаб келмоқда. Икки нафар неваранинг севимли бувижониси. Абу Али ибн Сино бобомиз: ваҳима қилиш ярим касалликдир. Хотиржамлик ярим соғайишдир. Сабр эса шифонинг бошланишидир, деб айтган эди.

Оғир беморларни ҳам энг аввало, ширин сўзи билан даволаб, сабрли бўлишга унда-



ётган Инобат Ўразова оиласи ва беморлар бахтига доимо соғ ва омон бўлсин.

Сафия НАЗАРОВА Самарқанд вилояти.

Мен сиздан даво топдим...

Кейинги пайтларда кўзим хиралашиб, қовғимни ён атрофларида оғрик пайдо бўла бошладим. Тезда Республика кўз касалликлари клиникаси шифокорларига мурожаат қилдим. Улар касаллик ташхисимни аниқлашгач,

дарҳол даволанишим зарурлигини маслаҳат беришди ва шу куннинг ўзида шифохонага қабул қилишиб, даво муолажаларни бошлаб юборишди. Шифо масканининг соматика бўлимида даволанар эканман, у ердаги шароит ва имконият-

лар ҳамда шифокору, ҳамшираларнинг билим, тажрибаси шунингдек, илиқ муносабатлари дардимга даво бўлди. Айни пайтда аҳволим яхшиланиб, кўзларим яхши кўра бошладим. Мени дарддан фориг қилишда ўз меҳнатларини аямаган ва

хушмуомалалик билан эътибор қаратган мазкур клиниканинг бош шифокори Отабек Икромов, бўлим бошлиғи Сарвар Азимов, даволочилар шифокорим Дилшод Жалилов ҳамда бир-биридан чаққон ва меҳрибон ҳамшираларга, шунингдек, жамоанинг барча ходимларига чексиз миннатдорлигимни изҳор этаман.

Меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлган ушбу шифокору, ҳамшираларни касб байрамлари билан чин дилдан қутлайман. Улар бахтимизга доимо соғ-саломат бўлишсин.

Вазира МУҲАММАДИЕВА Тошкент шаҳри.

КИТОБ ЖАВОНИГИЗГА

ХИРУРГИК КАСАЛЛИКЛАР БЎЙИЧА КИТОБ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА НАШР ҚИЛИНДИ

Хар бир соҳани ўрганганда уни чуқур ўрганиш учун илмий манбаларнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёс. Бир вақтлари олий таълим муассасалари талабалари учун ўқув қўлланмалар дерлик йўқ эди. Вақт ўтиши билан бу муаммолар ҳам ўз ечимини топиб бораяпти. Олий таълим муассасаларини она тилда ёзилган, тушунарли ва замонавий ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шундай керакли ўқув-услубий қўлланмаларнинг яратилишида ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Жумладан, Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг Факультатив ва госпиталь хирургия кафедраси мудир, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мэлс Қабулов ва тиббиёт фанлари доктори, хирург Гафур Уразалиев томонидан таржима қилиниб, нашр қилинган «Хирургик касалликлар» деб номланган китоб тиббий олий таълим ва тиббиёт муассасаларидаги хирург-шифокорлар учун катта ёрдами тегадиган услубий қўлланма ҳисобланади. Мазкур китоб рус тиббиёти олимлари, Россия тиббиёт фанлари академиясининг академиклари В.Савельев, А.Кириенко ва бошқа бир қатор ҳаммуаллифлар томонидан тайёрланиб, «Хирургические болезни. 1 том» атамасида 2014 йили Москва шаҳрида нашр қилинган эди. Профессор Мэлс Қабулов ташаббуси билан 2019 йилдан бошлаб, 2 йил давомида 700 бетдан ортиқ мазкур китоб Россия тиббий олий таълим муассасаларининг кафедра мудирлари, таниқли профессорлар иштирокида

махаллий хирург-шифокорлар ва филолог олимлар ёрдамида қорақалпоқ тилига таржима қилинди. Мазкур китобни тайёрлашда жами 60 дан ортиқ мутахассис иштирок этиб, икки бўлимдан иборат ва асосан қорин бўшлиғи хирургик касалликларига бағишланган. Биринчи бўлими – умумий касалликлар, иккинчи бўлими эса аниқ касалликлар бўлими деб номланган бўлиб 24 бобдан иборат.

Ушбу таржиманинг масъул муҳаррири бўлган профессор Мэлс Қабуловнинг айтишича, китобни таржима қилишда уни тўрт мартаба ўқиб чиқишга тўғри келган. Сабаби, ундаги тиббий атамаларнинг қорақалпоқ тилида тўғри қўлланилиши ва таржима қилиниши катта билим ва тажрибани талаб қилган ва мутахассисларга тушунарли бўлиши учун кўп меҳнат ва вақт сарфланган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, профессор Мэлс Қабулов ва бошқа таржимон мутахассислар томонидан китобнинг икки бўлимига қўшимчалар киритилди. Унга кўра, рус тили вариантыдаги китобда лапароскопик операциялар



киритилмаганлиги учун, таржима қилинган китоб ошқозон яраси ёрилишида ва панкреатитда лапароскопик операциялар бўйича маълумотлар билан бойитилди. Китобга таниқли олимлар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Р. Рўзиев, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг биология кафедраси мудир, профессор А. Матчанов, Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими бошлиғи Олимбой Халимовлар фикр билдиришган.

Олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик, мутахассис хирурглар учун эса услубий қўлланма сифатида хизмат қиладиган мазкур китоб 300 нусхада нашр қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мурад Курбановнинг бевосита ёрдами билан Қорақалпоғистондаги тиббий таълим ва тиббиёт муассасаларига тарқатилди. Олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабаларининг талаб ҳамда тавсияларини инобатга олиб, яна қўшимча 100 нусхада нашр эттириш режалаштирилган. Эътирофлиси



шундаки, Қорақалпоғистон тиббиёти тарихида хирургия бўйича бундай бебаҳо китоб қорақалпоқ тилида илк марта нашрдан чиқди.

Келажак авлоднинг тиббиёт соҳасида яъни бўлажак етук мутахассисларнинг хирургия йўналишида билим олиши учун мазкур китобнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Албатта, ушбу китобни қорақалпоқ тилида таржима қилиш ва уни ташкиллаштириш осон бўлмади. Бундай бебаҳо китобнинг таржимаси ва нашр қилинишидан тортиб, талабалар ва ўқитувчиларга тақдим этилишида профессор Мэлс Қабуловнинг хизматлари таҳсинга лойиқдир.

Жаҳит ДАНЕБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикасининг
«Шифокор» газетасининг
бош муҳаррири.

ФАН УҒҚЛАРИ

ҚАНДЛИ ДИАБЕТДА БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ СЕКИНЛАШТИРИШ ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Ҳозир дунёда ярим миллиарддан ортиқ киши қандли диабетдан азият чекмоқда. Прогнозларга кўра, 2030 йилга бориб, бу касаллик билан оғриган беморлар сони 1,3 миллиард нафаргача етиши мумкин. Бу эса ушбу хасталикдан ногиронлик ҳолатлари ортишига сабаб бўлмоқда. Олимлар фикрига кўра, нотўғри овқатланиш, камҳаракатлик оқибатида келиб чиқадиган ортиқча вазн қандли диабетнинг асосий омилдир.

Ана шу дардга чалинганларда буйрак хужайралари шикастланиб, уларнинг филтрлаш қобилияти пасаяди. Бу эса охир-оқибат сурункали буйрак етишмовчилиги ривожланишига олиб келади. Шу аснода буйрақлар функциясини

сақлаб қолиш учун қатъий ва давомли парҳез ҳамда узоқ муддатли дори-дармонлар муолажаси талаб этилади.

Япония олимлари таркибида бардоксолон метил бўлган препарат сурункали буйрак етишмовчилиги ривожланиши-

ни сезиларли даражада секинлаштиришини исботлади. Ушбу янгилик яқинда АҚШнинг Филадельфия шаҳрида бўлиб ўтган йирик халқаро нефрологлар анжуманида тақдим этилди. Маълум бўлишича, мазкур клиник тадқиқотнинг 3-босқичида буйрак хасталиги бор қандли диабетга чалинган 1013 нафар бемор иштирок этди. Уларнинг саломатлик кўрсаткичлари уч йилдан кўпроқ вақт давомида махсус кузатув остида олинди.

Шу аснода қўлланилган препарат буйрак функцияси ёмонлашувини самарали секинлаштириши тасдиқланди. Яъни бардоксолон метил Кеар1-Nrf2 сигнал йўлини фаоллаштириши, бу эса хужай-



раларни кислороднинг актив формалари билан шикастланишдан химоя қилиши маълум бўлди. Ўз навбатида, бу

препарат юрак учун хавфсиз эканлиги тадқиқот давомида ўз исботини топди.

@ssvuz



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилими: www.uzssgz.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravoohranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет
усулида чоп этилган.

Адади - 686 дона.
Буюртма рақами
Г-1135.
Босмаҳонага
топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.